

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўрмон хўжалиги ИТИ
Пистачилик илмий тажриба
станцияси раҳбари

З.Уролов

“ 14 ” 2022 йил



Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиш мақсадида қуйдаги ишларини амалга оширувчи етказиб берувчи ташкилотлари ўртасида голиб ташкилотларни аниқлаш учун танловларни ташкил этиш бўйича ўтказиладиган танловлар ва (ёки) тендерларга тайёргарлик кўриш бўйича харид комиссиясининг дастлабки йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 1

Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси буйруқ билан тасдиқланган харид (танлов) комиссияси қуйидаги таркибда қатнашдилар:

1.	Р.Хасанов	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси
Комиссия аъзолари:			
2.	Б.Хасанов	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси
3.	А.Абдуллаев	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси
4.	А.Қўшбоқов	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси
5.	Х.Дувлонов	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси
Комиссия котиби:			
6	И.Худойбердиев	-	Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси

КУН ТАРТИБИДА :

1. Харид комиссияси иш тартибини (регламентини) белгилаб олиш;
2. Танлов ва талабгорнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш шarti ва талабларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
3. Таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
4. Танловларда кўзда тутилган 1%лик закат тўловларни белгиланган тартибда тўланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР:

1. Танлов комиссияси раиси Р.Хасанов ўтказиладиган Танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, Танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда пудратчи ташкилотларни танлаш, комиссия аъзолари томонидан маъқулланадиган ва буюртмачи томонидан 1-иловага мувофиқ тасдиқланадиган иш регламентига асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

2. Комиссия котиби И.Худойбердиев – талабгорларнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш ҳолда бўлиши тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Танлов котиби Қурилиш- таъмирлаш соҳасида танлов ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислохотларни амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомаси 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқлангани тўғрисида маълумот бериб ўтди. Ушбу тасдиқланган тартиботга кўра танловда умумий

солиқ – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солиқ тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловчиси нарх асосида аниқланишини билдириб ўтди.

3. Танлов комиссияси раиси Р.Хасанов таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини 2-иловага мувофиқ кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф билдирди. Шу билан бирга, ҳужжатларни техник ўрганиш баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган оферентлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

4. Комиссия аъзолари ушбу объектлар бўйича Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станцияси томонидан ташкил этиш *etender.uzex.uz* эълонлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб **5 (беш) иш кунидан** кейин очилишини маъқулладилар.

Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнларида қўллаш учун Харид комиссияси раиси харид комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйди, натижада:

Розилар	-	5 та
Қаршилар	-	Йўқ
Бетарафлар	-	Йўқ

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, харид комиссияси йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Харид комиссиясининг 1-иловага мувофиқ иш тартиби буюртмачига тасдиқлаш учун тавсия этилсин.
2. Талабгорлар ҳужжатлари пакетларга жойлаштирилиши ва маркировка қилиниши, ушбу тартибда тақдим қилинмаган оферталар қабул қилинмаслиги, шу билан бир қаторда, Танлов ҳужжатларидаги танлов қатнашчилари учун йўриқномада талаб қилинган шарт ва талаблар тасдиқлансин.
3. Талабгорлар таклифларини техник ва молиявий баҳолаш мезонлари 2-иловага асосан тасдиқлансин.
4. Буюртмачи томонидан ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловларида иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инobatга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.
5. Қишлоқ хўжалик техникалари соҳасида танлов ва (ёки) тендер ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислохотларни амалга ошириш” бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомасига кўра 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқланган тартибот маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу тартиботга кўра танлов ва (ёки) тендерда умумий солиқ – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солиқ тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловчиси нарх асосида аниқланиши белгилаб қўйилсин.
6. Танловларда пакет ҳужжатларини техник ўрганиш ва баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган талабгорлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштиришни, бошланғич нархидан юқори берилган таклифларни кўриб чиқмаслик масаласи танлов комиссиясининг иш тартибига қабул қилинсин.
7. Комиссия котиби зиммасига харид комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов ҳужжатларига таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инobatга олиб ушбу объектлар бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, уларнинг таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.
8. Талабгорлар томонидан объектлар бўйича тақдим этилган пакетлар эълонлар махсус ахборот порталида берилган кундан бошлаб камида 5 кундан кейин очилиши тасдиқлансин.
9. Қуйидагилар буюртмачининг асосий талаблари этиб тасдиқлансин:
 - молиявий имкониятлари етарли, шартнома расмийлаштириш юзасидан фуқаролик муомила ҳуқуқий ваколатга эгалиги;
 - тегишли ва ўхшаш соҳаларда ишларни бажариш бўйича тажриба ва малакага эга бўлган мутахассислари етарли бўлиши лозим;
 - агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса, тегишли лицензияга (маълум иш турларини олиб боришга) эга бўлиши шарт;
 - қурилиш ишларини бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши шарт;
 - танловларга охириги 3 йилда илгари бажарган ишларда ўз вақтида етказиб бериш бўйича шартномасидаги мажбуриятларни асоссиз бузган талабгорларнинг тўплаган баллари, яъни 1 ойдан 2 ойгача кечиктирган бўлса балларидан 10 балл чегирилади, 2 ойдан 3 ойгача кечиктирган бўлса – иш тажрибаси учун балл нолга тенглаштирилади, 3 ой ва ундан кўп муддатга кечиктирган бўлса ёки охириги 3 йилда шартнома шартларини қўпол равишда бузган ташкилотларга буюртмачи ва фойдаланувчи

ташкilotларнинг асослангилган ишончсизлик хати тақдим этилган бўлса – танлов комиссияси оферент таклифини рад этиш ҳуқуқига эга.

- баҳолаш гуруҳи аъзолари оферентларнинг кўрсаткичларини баҳолашда оферентларнинг малака кўрсаткичларини батафсил ўрганиб чиқиб, оферентларнинг ишлаб чиқариш базалари, омборлари, қурилиш техникаси ва кичик механизмлар тўғрисида 1-пакет ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мослигини, аввал бажарилган қурилиш объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлигини, шунингдек, бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтarchалари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини ўрганиб чиқади;

- баҳолаш гуруҳи аъзолари танлов ҳужжатларида белгиланган техник жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари жадвалини ҳамда 1-пакет ҳужжатларини баҳолаш варағини тўлдиради ва баённомасини комиссиянинг навбатдаги йиғилишига тақдим этади. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлар ва мезонларга кўра оферент объектда ишлатиш учун таклиф этган зарур қурилиш техникалари ўз балансида бўлса 1 коэффицент билан, агарда ушбу қурилиш техникалари ижарага олинган бўлса 0,5 коэффицент билан баҳоланади. Қурилиш техникасининг техник паспорти ксеронусхаси ва ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилиши шарт;

- талабгор сифатида иштирок этаётган пудратчи ташкilotлар ишлаб чиқариш базалари, яъни офислари (баҳоланишда - агар ўз балансида бўлса - 1,0 коэффицент билан, ижарада бўлса - 0,5 коэффицент билан баҳоланади), иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига эгаллиги;

10. Талабгорларнинг 1-пакетидаги ҳужжатларини техник жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра 50 баллдан кам балл тўплаган оферентларнинг малакаси етарли эмас деб топилсин ва ушбу оферентлар танловдан четлаштирилсин.

11. Талабгор ташкilotнинг иш тажрибаси камида 3 йилни ташкilot этиши зарур, иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлган талабгорнинг таклифи кўриб чиқилмайди. Ҳар бир йиллик меҳнат тажрибаси учун 1 баллдан жами 10 баллгача баҳоланади.

12. Объектда ишларни яқунлаш бўйича буюртмачи томонидан белгиланган муддатга нисбатан 10%дан кўпроқ муддат бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилсин.

13. Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса ёки ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари юритилган бўлса ёки муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги бўлса, бундай талабгорлар танловдан четлаштирилсин.

Танлов ташкilotчиси танлов комиссияси қабул қилган қарорига асосан танлов ҳужжатларига тегишли маълумотлар киритсин.



Комиссия котиби:

Р.Хасанов
Б.Хасанов
А.Абдуллаев
Х.Дувлонов
А.Қўшбоқов
И.Худойбердиев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўрмон хўжалиги ИТИ
Пистачилик илмий тажриба
станцияси раҳбари
3. Уролов

“ 14 ” _____ 2022 йил

Ўрмон хўжалиги ИТИ Пистачилик илмий тажриба станциясига қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиш ишларини амалга оширувчи етказиб берувчилар ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун қуйдаги ишларини амалга оширувчи қурилиш-таъмирлаш пудрат ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш мақсадида танловларни ташкил этиш бўйича

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Харид комиссиясининг иш тартиби “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг танловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур регламентга танловлар предметини ҳисобга олган ҳолда харид комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.3. Харид комиссияси коллегиал орган ва танловларнинг асосий қатнашчиси (танловларни ўтказиш жараёнинг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб, буюртмачи томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, танловларни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Харид комиссиясининг дастлабки йиғилиши танлов ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- танлов ва талабгорларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, ҳужжатларни махсус сайтга жойлаштириш шарт ва талабларини;

- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;

- танловларда қатнашишга зақалат тўлаш шакли ва миқдорини;

- офертани қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини белгилайди, бунда *etender.uzex.uz* ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 5 кундан эртaroқ бўлмаслиги шарт;

2.2. Танлов таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайсидир бир танловлар қатнашчисига устунлик берувчи танлов таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Харид комиссияси навбатдаги йиғилишларида танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Харид комиссиясининг ҳар бир йиғилишларида комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча комиссия аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.7. Харид комиссияси таркибига буюртмачининг қарори билан комиссия котиби киритилиши мумкин, унинг мажбуриятларига харид комиссиясининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш киради, бунда комиссия котиби мустақил овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.8. Қоидага кўра, харид комиссиясининг котиби этиб танлов ташкилотчиси тайинланади.

III. ТАРКИБИНИ КўРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Харид комиссиясининг йиғилишлари куйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг ҳужжатлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- ҳужжатларни ўрганиш давомида, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар бирон бир ҳужжат мавжуд бўлмаси ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, танлов ҳужжатлари рад этилади ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилади.

3.3. Таклифлар таркибини ўрганиш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Харид комиссияси ўзининг таркибидан оферентларнинг малака кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳини тузади, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга пакетлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини Харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қилади, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига ҳужжатларни қўшимча ўрганиш топшириғини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифларининг баҳолаш варақларини ва якуний баҳолаш жадвалларини тўлдириш бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

3.7. Агар оферентнинг офертаси кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, танлов комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. пакетларни очиш, ҳамда ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

3.10. Оферентларнинг техник малакасини баҳолаш натижалари бўйича Харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан куйидаги тартибда эълон қилинади:

- ҳужжатларини ўрганиш учун рухсат этилган талабгорларнинг рўйхати;

- дисквалификация ёки инкор этилган талабгорларнинг рўйхати.

VII. ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Харид комиссиясининг йиғилишларида куйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча оферталарнинг таклифлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- талабгорларнинг танловлар предмети бўйича таклиф қилган нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- буюртмачи томонидан белгиланган танлов предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- харид комиссияси аъзоларидан оферентларнинг молиявий кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳ тузилади ва улар томонидан танлов ҳужжатларининг техник қисмидаги физик иш ҳажмлари ва ресурсларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, харид комиссиясига ўз хулосасини тақдим этадилар;

- арифметик ҳатолар текширилади;

4.2. Ҳар бир офертани очиш, унинг таркибининг тўлиқлиги текшириш кетма-кетликда амалга оширилади. Танловлар предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати, талабгорларнинг нарх бўйича таклифлари эълон қилингандан сўнг ошкор этилади.

4.3. Таклифларнинг таркибини ўрганиб чиқиш ва баҳолаш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз амалга оширилади.

4.4. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қилади, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига таклифларни қўшимча ўрганиш топшириғини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифлари бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

4.5. Талабгорларнинг Малакавий кўрсаткичлари бўйича тўплаган баллари, ишлар(хизматлар) бўйича таклиф этилган нарх ҳамда муддат бўйича таклифлари махсус интерполяция программасига киритилади. Энг катта балл тўплаган оферент танлов комиссияси аъзолари ўртасида ўтказилган овоз бериш натижаларига асосан ғолиб деб топилади. Оферталарда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.6. Танловларнинг туридан қатъи назар, танлов ғолиби харид комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда танлов шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Танлов ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан оферентларнинг ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида эълон қилинади. Иштирок этмаган оферентлар танлов ташкилотчиси томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Танлов тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, харид комиссияси, танлов ташкилотчиси ёки танлов бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

V. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Харид комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Харид комиссияси ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолларда талабгорни (оферент) бундан кейин танлов тартиботида қатнашишдан четлатишга ва оферталарни кўриб чиқмасдан қайтариб беришга ҳуқуқлидир:

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, тегишли лицензияга эга бўлмаса (лойиҳа ишларини ёки бошқа турдаги ишларни олиб боришга лицензияга эга бўлмаса);

- ишларни бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлмаса;

- таклиф ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда, танлов ҳужжатлари талаблари ёки малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланганда;

- талабгор қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ва мулки хатлаб қўйилган бўлса;

- таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган бўлса;

5.3. Харид комиссияси танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин.

5.4. Харид комиссияси танлов иштирокчиларида танловни ўтказиш жараёнида келиб чиққан маълум эътироз ва шикоятларни, унга ечим ва жавобларни 10 кун муддат ичида тайёрлашга ҳақлидир. Танловларни ўтказиш жараёнига боғлиқ келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.5. Харид комиссияси оферент томонидан офертанинг мазмунини тушунтириб берилишига йўл қўйишга ҳуқуқлидир.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.6. Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танлов иштирокчиси таклифининг техник қисми баҳоланади, бунда 50 баллдан юқори балл тўплаган талабгорларнинг баллари ҳамда нарх ва муддат бўйича таклифлари махсус интерполяция программасига қўйилади. Программа танлов ғолибини аниқлаб беради.

Агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса, танлов ўтказилмаган деб топилади.

5.7. Танловларнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши харид комиссиясига мулкӣ ёки бошқача тусдаги ҳуқуқий жавобгарлигига олиб келмайди.

5.8. Харид комиссияси танлов жараёнидаги саволлар бўйича исталган қарорларни қабул қилишга ҳақлидир, агар улар белгиланган ҳуқуқий база билан асосланган бўлса.

VI. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Харид комиссияси:

- талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;
- талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;
- талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;
- танловда қатнашишга:
 - муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;
 - қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;
 - солиқ имтиёзларини тақдим этадиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилишни ва тақдим этишни назарда тутмайдиган (оффшор ҳудудлар) давлатлар ва ҳудудларда рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор ҳудудларида жойлашган банклардаги ҳисоб рақамли норезидентларнинг;
 - танловларга эълон берилишига қадар 3 йил муддатдан кам бўлган муддатда таъсис этилган ташкилотларнинг;
 - талабгор (оферент)нинг танлов тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;
 - Танловларнинг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;
 - оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;
 - офертани харид комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;
 - ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;
 - танлов ғолибининг харид комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;
 - танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва буюртмачи тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради.

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат	максимал балл (100) балл)	Изоҳ
1	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида маълумот.	Солиқ ва Банкдан маълумотнома	25	Тақдим қилмаган талабгор четлаштирилади
2	Талабгор ташкилотнинг иш тажрибасига эга эканлиги	Гувоҳнома нусхаси, ўхшаш объектлар бўйича тузган шартномаси, ишларни бажариш ҳисоботлари (Ф-2, Ф-3) ёки объектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	25	Гувоҳнома (иш стажига қараб, шартномаларига қараб) учун 1 баллдан (Максимал 25 балл)
3	Етказиб бериш ишларини бажариш учун зарур техникалари ва кичик механизмларга эга эканлиги бўйича	Асословчи ҳужжатлар (техпаспорт нусхалари, ижара шартномаси)	15 (3та техникаси учун 10 балл, камида кичик механизм учун 5 балл)	Зарур техникалари балансда бўлса коэффициент-1,0 билан, ижарада бўлса коэффициент- 0,5 билан ҳисобланади)
4	Талабгорнинг асосий воситаларга (офис, база, омборлар, ишлаб чиқариш цехлари, автогараж ва ҳ.к.) эгаллиги	Тасдиқланган маълумот	20	Катта кўрсаткичга эга талабгор 20 балл билан, кейинги кўрсаткичга эга талабгорларнинг баллари интерполяция орқали ҳисобланади
5	Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга ҳамда Коорупция ҳолатига йўл қўймасликка Қафолат хати	Асословчи ҳужжат	15	Тасдиқланган маълумот